

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5.05

2018 йил « 15 » 04

Соғлиқни саклаш вазирлиги



**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни саклаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни саклаш

5510900 – Тиббий биологик иш

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигининг 20 18 йил “15” 04 даги “107 – сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Узбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 20 15 йил “15” 04 даги “1” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОУМТВнинг 201 8 йил “1” 12 даги 1000 -сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан ишлаб чиқилди.

### Тузувчилар:

Уста-Азизова Д.А. - ТошПТИ “Чет тиллар, педагогика ва психология” кафедраси доценти, п.ф.н.

Мирзаева Ш.Р. - ТошПТИ “Чет тиллар, педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Рахмонова Ё.Р. – ТТА “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

### Такризчилар:

Рўзиева Д.И. – ТДПУ “Умумий педагогика” кафедраси мудири, п.ф.д, профессор

Сайтжанова У.К. - НДПИ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, п.ф.н.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кенгashiда кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201 9 йил “27 ееврим” даги “8”-сонли баённома).

# **Ўқув фанининг долзарблиги, касбий таълим ва соғлиқни сақлашдаги ўрни**

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими вазирлигининг давлат миқёсидаги асосий вазифаларидан бири замонавий таълим-тарбияни йўлга қўйишда ёшларни касб-хунарга ўргатиш, ўз истаги ва хоҳиши, қизиқиши ва қобилиятига кўра касб танлаш, бутун ҳаёти давомида ўз касбига садоқатли бўлиш ҳисларини шакллантиришдан иборатdir. Мазкур дастур “Таълим технологиялари” фанининг мазмуни, мақсад-вазифалари, илм-фан ва соғлиқни сақлашда тутган ўрни, предмети ва методлари, назарий ва методологик асослари, мутахассислик фанларида қўлланиладиган замонавий инновацион ўқитиш технологиялари, муаллифлик ўқитиш технологияларини кўриб чиқади. Дастур тиббий таълим ўқув жараёнини самарали ташкиллаштириш ва рўёбга чиқаришга оид билимларга, ноанъанавий ўқитиш методлари ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларига, касбий компетенцияга эга бўлишни ўз зиммасига олади. Шунга кўра, “Таълим технологиялари” фани дастури асосида юксак профессионал ва самарали касбий таълим жараёнини ташкил этишда, таълим олувчиларни касбий ривожлантиришда, малакали ҳамда рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашда, “Мен – педагог-шифокор” профессионал концепциясини шакллантиришда, педагогик фаолиятга услубий ва ижодий ёндашишда муҳим роль ўйнайди.

## **I. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

“Таълим технологиялари” фанининг **мақсади** – талабаларда касбий таълим ўйналишининг Давлат таълим стандартида белгиланган ҳажмдаги илмий-назарий билим, амалий малака ва кўникмалар ҳамда касбий компетенцияни шакллантиришдан иборат.

“Таълим технологиялари” фанининг **вазифалари**:

- “Таълим технологиялари”нинг назарий-методологик асосларига оид билимларни эгаллаган;
- таълимга технологик ёндошувларни биладиган ва амалга ошира оладиган;
- педагогик-психологик ва технологик билимларини касб таълими жараёнida қўллай оладиган;
- тиббий таълим жараёнida замонавий инновацион ўқитиш усулларидан унумли фойдалана оладиган;
- касбий педагогик муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган, ижодий ва танқидий фикрлайдиган, ўз имкониятларини эркин намоён қила оладиган бўлажак касбий таълим мутахассисларини тайёрлашдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- таълим (ўқитиш) технологияларини ўзлаштириши;
- ўқитишнинг ноанъанавий усуллари ёрдамида диққат, хотира, нутқ, тафаккур ва мулоқот малакаларини ривожлантириш;

- интерактив усуллар, график органайзерлар, муаммоли вазиятлар, ўйинли технологияларнинг педагогик-психологик хусусиятлари;
- ўқув жараёнининг самарадорлигини оширадиган усуллар, шакллар ва воситаларни қўллашга оид назарий **билимларга эга бўлиши**;
- ўқув мақсадларини тўғри аниқлаш ва ишлаб чиқиш;
- шахснинг билиш жараёнларини ривожлантиришда мақсадга мувофиқ турли хил интерактив усулларни қўллаш;
- ўқув жараёндаги вазиятли масалаларда мустақил фикрлаш ва ижодий ёндошувни намоён қилиш **кўникмаларига эга бўлиши**:
- дарснинг технологик харитаси ва ўқув машғулотининг лойиҳасини тузা олиш;
- таълимда замонавий ахборот технологиялари, масофавий ўқитиш ва оммавий очиқ онлайн курслардан фойдаланиш;
- тиббий таълимда ноанъанавий ўқитиш усулларининг имкониятларини аниқлаш ва самарали фойдаланиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

## **II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

### **1-Мавзу. Таълим технологиялари фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, илмий-назарий асослари**

Таълим технологиялари фанининг предмети ва объекти. Фанинг мақсад ва вазифалари. Таълим технологияларининг ривожланиш тарихи. Таълим технологияларининг илмий-назарий асослари. Фанинг методологик асослари. Таълим технологиялари фанининг илмий-тадқиқот методлари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Таълим технологияларининг асосий йўналишлари.

### **2-Мавзу. Таълимда инновацион технологиялар. Ноанъанавий методлар, талабаларнинг танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантириш усуллари**

Таълимда инновацион технологияларнинг қўлланилиши. Замонавий ва ривожлантирувчи таълим технологиялари. Ўқитишнинг ноанъанавий методлари, интерактив усулларнинг педагогик-психологик хусусиятлари, талабаларнинг танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантириш усуллари.

### **3-Мавзу. Педагогик мақсадлар таксономияси**

Педагогик мақсадларни ишлаб чиқиш технологияси. Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси ҳақида тушунча ва унинг категориялари. Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар туркуми. Кратволлнинг тарбиявий мақсадлар таксономияси. Тиббий таълимда тарбия технологияларининг хусусиятлари. Тарбияга технологик ёндошув.

### **4-Мавзу. Тест топшириқлари шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Тестология ҳақида тушунча. Педагогик тест турлари, усуллари ва тест тузиш мезонлари. Ўқув мақсадларига мос тест топшириқларини ишлаб чиқиши хусусиятлари. Педагогик тестларни тузишга қўйиладиган дидактик талаблар.

### **5-Мавзу. Масофавий ўқитиши технологиялари**

Масофавий (дистанцион) ўқитиши хусусиятлари, унинг таълимдаги ўрни, масофавий таълим турлари, шакллари, имкониятлари, оммавий очиқ онлайн курслар, виртуал университетлар. Ўзбекистонда ташкил этилган масофавий таълим тизими: тажриба ва имкониятлар.

### **6-Мавзу: Таълимда кредит технологиялари**

Кредит технологиялари ҳақида тушунча, унинг аҳамияти, мазмuni ва моҳияти. Модулли ўқитиши хусусиятлари. ECTS кредит технологияси ва унга қўйиладиган талаблар. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиши), вебинар. Ўзбекистонда ўқитишининг кредит технологияларидан фойдаланиш тажрибалари.

### **7-Мавзу: Муаллифлик ўқитиши технологиялари**

Педагогик жараёнда шахсга йўналтирилган ўқитиши технологиялари (Ш.А.Амонашвили, М.Монтессори); ўқув материалини схемалар ва моделлар ишораси асосида ўқитиши жадаллаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов технологияси); ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил этиш асосига қурилган технология (Г.К.Селевко, С.Н.Лисенкова технологиялари, Н.П.Гузикнинг ўқитиши тизимини режалаштириш технологияси); табақалаштирилган ўқитиши технологиялари (Г.К.Селевко), ўқитиши индивидуаллаштириш технологияси (Инге Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков технологияси); дастурлаштирилган ўқитиши технологиялари (Б.П. Беспалъко).

### **8-Мавзу: Муаммоли ўқитиши технологиялари.**

Муаммоли ўқитиши, унинг ўзига хос хусусиятлари (Ж.Дьюи, М.И.Махмутов ва б.), мақсад-вазифалари, муаммоли вазиятлар турлари, даражалари, ҳал этиш структураси. Таълим жараёнини оптималлаштириш усуллари: муаммоли вазиятли масалалар, муаммоли усуллар, ўқув баҳс-мунозаралари, дебатлар, ўқув конференциялари. Интеллектуал меҳнат малакалари ва уни амалга ошириш йўллари.

### **9-Мавзу: Ҳамкорликда ўқитиши ташкил қилиш усуллари**

Ҳамкорликда ўқитиши ғоясининг келиб чиқиши. Ҳамкорликда ўқитиши шакллари, йўналишлари, афзалликлари ва истиқболлари. Кичик грухларда ижодий изланиш усуллари. Мутахассислик фанларидан ўқув жараёнини ҳамкорликда ўқитиши асосида самарали ташкил этиш ва бошқариш технологиялари.

#### **IV. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар мавзулари:

1. Таълим технологиялари фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, илмий-назарий асослари
2. Таълимда инновацион технологиялар. Ноанъанавий методларнинг педагогик-психологик хусусиятлари
3. Талабаларнинг танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантириш усуллари
4. Педагогик мақсадлар таксономияси.
5. Тест топшириклари шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
6. Масофавий ўқитиш технологиялари.
7. Таълимда кредит технологиялари.
8. Муаллифлик ўқитиш технологиялари
9. Муаммоли ўқитиш технологиялари.
- 10.Ҳамкорликда ўқитишни ташкил қилиш усуллари

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурӯҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулотларни ўтказиша қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Таълим технологиялари фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий қўнималарни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

#### **Амалий қўнималар рўйхати:**

1. Ўқув мақсадларини тўғри аниқлаш ва ишлаб чиқиш.
2. Шахснинг билиш жараёнларини ривожлантиришда мақсадга мувофиқ турли хил интерактив усулларни қўллаш.
3. Ўқув жараёндаги вазиятли масалаларда мустақил фикрлаш ва ижодий ёндошувни намоён қилиш.

**Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**  
Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **III. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Тавсия этиладиган мустақил иш мавзулари

1. Таълим технологиялари фанининг предмети ва долзарб масалалари
2. Таълим технологияларининг замонавий методлари ва уларни амалиётда кўллаш йўллари
3. Илгор инновацион педагогик технологиялар.
4. Таълимга технологик ёндашув.
5. Таълим технологиясининг илмий-назарий асослари.
6. Таълим технологиясининг асосий таркибий қисмлари.
7. Таълим самарадорлигини ошириш хусусиятлари.
8. Максадлар таксономияси ва уларни ишлаб чиқиш.
9. Ўқув ва тарбиявий мақсадларга эришиш усуллари.
10. Ўзлаштиришнинг маҳсулдор ва изланувчан даражаларига мўлжалланган таълим технологиялари.
11. Таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш.
12. Таълимда оммавий онлайн очик курслар.
13. Муаммоли ўқитишик технологиялари.
14. Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи фаол методлар.
15. Ўқитишик интенсификациялаш ва жадаллаштириш технологияси.
16. Дастурлаштирилган ўқитишик технологияси.
17. Масофавий таълим тизими хусусиятлари.
18. Ўқитишик дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш технологияси.
19. Ҳамкорликда ўқитишик технологиялари
20. Таълимда кредит-модулли технологиялар

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади. Талаба “Таълим технологиялари” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

- 1) Мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот, тезис ёки мақола) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Конспект турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради ва вақтни тежайди;
- 2) Ўқитишик ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлари давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарслойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат қилиш учун тест топшириклари ва б. билан ишлаши;
- 3) Фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;
- 4) Интернет тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш,

мустақил ишларни тайёрлашда мавзу бўйича интернет манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

- 5) Мавзуга оид вазиятли масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ечиш;
- 6) Амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисботлар тайёрлаш;
- 7) Илмий-амалий семинар ҳамда анжуманларга тезис ёки мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;
- 8) Мавжуд мустақил ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

### ***Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)***

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Шойимова Ш.С. ва бошқ. Таълим технологиялари: Дарслик. Т. 2019.
2. Шойимова Ш.С. и др. Образовательные технологии: Учебник. Т. 2019.
3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар: Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар нашриёти”, - 2008.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат: Дарслик. Т. - 2003.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Рўзиев Ҳ.Ж. Замонавий таълим технологиялари. Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013й.
2. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма. Инновацион таълим технология серияси. – Т.: “Иқтисодиёт” нашр., 2011. 206 б.
3. Уста-Азизова Д.А. Методика профессионального обучения. Учебное пособие. – Ташкент. Изд. «Фан». 2015.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. [www.pednauka.uz](http://www.pednauka.uz)
5. [www.education.ru](http://www.education.ru)
6. [www.intuit.ru](http://www.intuit.ru) ва б.